

1-мавзу. Кириш: Молия бозори асослари.(2-соат)

1. Молия бозор тушунчаси, унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.
2. Молия бозорининг таснифи. Тузилмаси ва таркибий қисмлари.
3. Молия бозорининг иқтисодий-ҳуқуқий асослари ва фаолият механизми.
4. Ўзбекистонда молия бозорининг шаклланиши ва истиқболлари.

Асосий адабиётлар.

1. Каримов.И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.

Т-«Ўзбекистон»-2009.

2. Бутиков И. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент-«Шарқ»-2006.

3. Шоҳаъзамий Ш. Молиявий бозор ва қимматли қоғозлар .

Т –Iqtisod-moliya 2009.

«Молия бозори» - мураккаб иқтисодий категория бўлиб, асосан капитал эгаси бўлган мулкдор билан қарз олувчи ўртасидаги муносабатларни ифодалаб, бу муносабатлар маълум молиявий институтлар ёрдамида амалга оширилиб, жамғарилган маблағларни самарали ишлатишдир.



Молия бозори- бу жамғарилган пул маблағларининг жойлаштирилишини тартибга солувчи, иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирувчи аниқ механизм бўлиб. бозор иқтисодиётида мавжуд жамғармаларни самарали ишлатиш имконини беради. Хозирги замон иқтисоди учун молия бозори ўзига хос «асаб маркази» ҳисобланади, уни мамлакат иқтисодиётининг барометри деб аташ мумкин.

- Инсоният тарихида жамғармаларни сақлашнинг икки усули мавжуд:

Нақд пулларни сақлаш ёки омонат банкларига қуйиш

Қимматли қоғозлар сотиб олиш

«Молия бозори»- атамаси кенг тушунча бўлиб, хусусийлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Бу бозор муносабатларининг муҳим қисми ҳисобланиб, молия ресурслари, яъни пул ва пулга тенглаштирилган қозозлар бозоридир.

МОЛИЯ БОЗОРИ
ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
бозори


КАПИТАЛ бозори

ПУЛ бозори

ИНВЕСТИЦИЯ бозори

СУҒУРТА бозори

Қимматли қозозлар турлари



- Бугунги кунда бозорнинг энг юқори даражада ривожланган тури молия бозори хисбланади. Хозирги молия бозори юқори даражада такомиллашган ва узлуксиз ривожланган, борган сари жахон миқийёсида глобаллашиб бораётган мураккаб тизимдир.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб молия бозорини ривожлантиришга алохида эътибор қаратди, яъни молия бозорининг хуқуқий-меъёрий асослари 1993 йил “Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғриси” қонун қабул қилинди.

- Ўзбекистон республикасининг қуйидаги қонунлари молия бозорни ташкил этишга бевосита талуклидир.
- 1992 йил 2 июл “Биржа ва биржалар фаолияти” тўғрисида.
- 1993 йил 2-сентябр “Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида”.
- 1996 йил 25 апрел “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми” тўғрисида.
- 1996 йил 26 апрел “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш” тўғрисида.

2-маруза машғулоти.

1.Молиявий глобаллашув шароитида молия бозори ривожининг замонавий тенденциялари ва муаммолари.

2.Ўзбекистонда молия бозорининг шакилланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

3.Молия бозорининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва унинг истиқболлари.

Замонавий тенденциялари:

1. Молия бозорнинг глобаллашуши.

2. Жахон молия бозорининг интеграллашуви, замонавий совдо тизимлари кучайиши

3. Молиявий ресурслар хажми, салмоғи ортиши ва капиталлар ҳаракатининг эркинлиги

4. Молиявий бозорларнинг мамлакат иқтисодидаги ролининг ортиши

Жохон молия бозорининг замонавий муаммолари:



1. Жахон молиявий иқтисодий инқирозларини келтириб чиқармоқда

2. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига салбий тасири кучаймоқда

3. Молиявий бозорларининг ташқи омилларга таъсирчанлиги

4. Ахоли турли қатламлари орасида даромадлар дифференциясининг кучайиши